

**Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, кимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз. Албатта, шайтон хамр ва кимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни хамда сизларни Аллохнинг зикридан ва намоздан тўсишни хохлайди. Энди тўхтарсизлар?! (Моида;90-91)**

Куръони Каримда шаръий ахкомларнинг иллатлари киска шаклда баён килинган. Лекин хамр (яъни арок ва шу каби аклни тўсувчи барча нарсалар) ва киморнинг иллатини батафсил баён килиб келтирган. Жумладан: хамр ва кимор ифлосдир, бу иккиси мўминларнинг ўртасига адоват ва ёмон кўришликни ташлайди, Аллохнинг йўлидан, Унинг зикридан тўсади ва намоздан чалгитиб кўяди, улар шайтоннинг ишидир, шайтон эса инсонларни игво килади, деб баён килди. Аллох таоло уларни харом деб кўя колмасдан, «ундан четда бўлинг» деди. бу дегани унинг якинига хам борманг, сиз бошка томонда туринг, деганидир. Бунинг харомлигини бир нечта таъкид лафзлари билан келтирди:

1. Таъкид лафзи бўлган «Албатта» билан бошлади.
  2. Бут ва фол очадиган чўплар билан бирга ёнма-ён зикр килди. Бунинг маъноси: модомики мўмин экансан, унинг якинига борма, деганидир.
  - 3.«Ифлос» деб сифатлади.
  4. «шайтоннинг ишидир», деди.
  5. Бу иккисидан «четда бўлинглар», деб хитоб килди.
  6. «Шояд, нажот топсангиз», деб четда бўлишни нажотга сабаб килди.
  7. Хамр ва кимор мўминлар ўртасига адоват ва ёмон кўришни солади, деди.
  8. Намоздан чалгитади, деди.
  9. Аллохни унуттиради, деди.
  10. «Энди тўхтарсизлар», деб тўхташга буюрди.
- Буларнинг барчаси хамр ва киморнинг нақадар хатарли эканини англатади. Ўзини аклли деб билган киши буларнинг якинига хам бормайди.

Кудратуллох Сидикметов